



20 - Июнь 2017 й. г. № 393

Ташкент ш. - г. Ташкент

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ТАЛАБАЛАР ЎҚИШНИ КЎЧИРИШ, ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА ЎҚИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар ҳамда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидаларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

### 1. Қуйидагилар:

Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом **1-иловага** мувофиқ;

Олий таълим муассасаларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом **2-иловага** мувофиқ;

Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида Низом **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2010 йил 18 июнданги 118-сон **карори** («Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ», 2010 йил, 24-25-сон, 195-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

3. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-хукукий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирунлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

А. АРИПОВ

**Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни ўқишига қабул қилиш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «**Таълим тўғрисида**» ва «**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни ўқишига қабул қилиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом ҳарбий таълим муассасаларига ва Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим муассасалари ҳамда уларнинг филиалларига татбиқ этилмайди.

2. Олий таълим муассасалари қабулни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида қабул квоталарига мувофиқ амалга оширадилар.

3. Олий таълим муассасаларининг кундузги, сиртқи, маҳсус сиртқи ва кечки (сменали) таълим шаклларига талабаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) томонидан кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган тўлов-контракт асосида қабул квоталари доирасида ҳамда қабул квоталаридан ташқари абитуриентларни ўқишига қабул қилиш Давлат комиссияси томонидан мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларига қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам тўлов-контракт бўйича) тенг хукуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш хукуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш хукуқига эгадирлар.

Танлов ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича таълим йўналишлари, ўқитиш тиллари ва шаклларига кўра алоҳида ўтказилади. Айрим йўналишлар бўйича худудлар кесимида мақсадли қабул квоталари тасдиқланган тақдирда, танлов ҳар бир худуд бўйича алоҳида ўтказилади. Мақсадли қабул танловида катнашиб давлат гранти асосида қабул қилинмаган абитуриентлар мазкур таълим йўналишида кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) натижаларига кўра тўплаган баллари билан умумий тўлов-контракт доирасидаги танловда иштирок этади.

Тест синовларини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда Давлат тест маркази деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда олий таълим муассасалари ректорлари (филиал директорлари) жойларда кириш имтиҳонларини (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) ўтказиш учун зарур шароитларни таъминлайдилар.

4. Тест синовлари уч тилда — ўзбек, рус, Қорақалпоғистон Республикаси худудидаги олий таълим муассасаларида қорақалпоқ тилларида ўтказилади.

Олий таълим муассасасида таълим йўналишлари бўйича ўқитиш тили, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан

тасдиқланган қабул квоталари доирасида хужжатлар қабул қилинишига қадар вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Абитуриент тест синовларини ва касбий (ижодий) имтиҳонни олий таълим муассасасида ўқийдиган тилда топширади. Бунда ўзбек гурухларига хужжат топширган абитуриент ўз аризасига асосан тест синовларини ўзбек тилида лотин ёки кирилл алифбосида топшириш хукуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари таълим йўналишлари рўйхати ва тест бўйича уларга мувофиқ келувчи фанлар мажмуаси Давлат тест маркази ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Абитуриент чет тиллар сифатида инглиз, немис, француз тилларидан бирни бўйича тест синови топширади. Абитуриент ўқиган чет тилидан қатъи назар, хоҳлаган (инглиз, немис, француз) чет тилидан тест топшириши мумкин.

Агар умумий ўрта таълим (11-синф негизида), ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасида инглиз, немис ёки француз тиллари ўтилмасдан бошқа чет тиллари ўқитилган ҳолда, шу чет тилидан тест синови ўрнига кўп балли тизим бўйича имтиҳон топширилади.

Олий таълимнинг айрим йўналишлари бўйича тест синовлари билан бир қаторда кўшимча касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилади. Касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказиладиган таълим йўналишлари рўйхати тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар таклифлари асосида Давлат тест маркази ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

**4<sup>1</sup>. Абитуриентлардан алоҳида иқтидор талааб этиладиган таълим йўналишларига қабул тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали амалга оширилади.**

Касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиладиган фанлар бўйича имтиҳон дастурлари ва ҳар бир фан хусусияти хисобга олинган ҳолда баҳолаш мезонлари, шунингдек, тегишли бакалавриат таълим йўналишларига мувофиқ келувчи фанлар мажмуаси олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан тасдиқланади.

Жадвал бўйича касбий (ижодий) имтиҳонларга (имтиҳон босқичи ёки турига) келмаган абитуриентлар учун қайта касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилмайди, улар навбатдаги имтиҳонларга кўйилмайди ҳамда ўкишга қабул қилинмайди.

5. Айрим таълим йўналишлари бўйича ўқитиш тожик, қозоқ, туркман ва қирғиз тилларида олиб бориладиган таълим йўналишларига қабул кўп балли тизим бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар ва тест синовлари асосида амалга оширилади. Касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказиладиган таълим йўналишлари рўйхати Давлат тест маркази ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Ушбу таълим йўналишларига аризалар кўрсатилган тилларда ўрта таълим муассасасини тутатган абитуриентлар ёки кўрсатилган тилларда умумий ўрта таълим муассасасини тутатиб, академик лицей (касб-хунар коллежи) дипломига эга бўлган абитуриентлардан қабул қилинади. Касбий (ижодий) имтиҳонлар, кўп балли имтиҳон баҳолари ва Давлат комиссияси тасдиқлаган тест синовлари натижаларининг умумий йиғиндиси шахсан олий таълим муассасаси ректори томонидан тасдиқланади.

6. Умумий ўрта таълим (11-синф негизида), ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида испан, турк, араб, форс, дари, ҳинд, урду, хитой, корейс, уйғур, итальян, япон тилини (инглиз, немис ва француз тиллари ўқитилмаган ҳолда) чет тили сифатида ўқиган абитуриентлар мазкур тилдан кўп балли баҳо тизими бўйича имтиҳон топширадилар, қолган фанлар бўйича эса тест синовларидан ўтадилар.

Умумий ўрта таълим (11-синф негизида), ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида испан, турк, араб, форс, дари, ҳинд, урду, хитой, корейс, уйғур, итальян, япон тили билан биргаликда инглиз, немис ва француз тиллари ҳам ўқитилган ҳолда (ушбу фанлар абитуриент дипломи иловасида (аттестатида) мавжуд бўлганда) абитуриент аризасига асосан у чет тилини тест шаклида ёки испан, араб, форс, дари, ҳинд, урду, хитой, корейс, уйғур, итальян, япон тилидан кўп балли баҳо тизими бўйича имтиҳон топширади.

Мазкур қоида роман-герман филологияси (инглиз, немис ва француз филологияси) йўналиши бўйича ўқишга кирадиган абитуриентларга нисбатан қўлланилмайди.

Касбий (ижодий) имтиҳон топшириладиган испан, турк, араб, форс, дари, хинд, урду, хитой, корейс, уйғур, итальян, япон тили бўйича фан дастури ва баҳолаш мезонлари ушбу тиллар ўқитиладиган таянч олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилиб, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади ва жорий этилади.

7. Олий таълим муассасаларида касбий (ижодий) ва кўп балли имтиҳонларни ўтказиш **1** ва **2-иловаларда** белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Олий таълим муассасаларига кўзи ожиз абитуриентларни ўқишга қабул қилиш **3-иловада** белгиланган тартибда амалга оширилади.

9. Республика тиббиёт олий таълим муассасаларида ташкил этилган З йиллик «Олий ҳамширалик иши» таълим йўналишига қабул фақат ўрта маҳсус, касб-хунар тиббий маълумот (ҳамширалик, акушерлик иши ва фельдшерлик) негизида амалга оширилади. Мазкур йўналиш бўйича тест синовлари билан бир қаторда қўшимча касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилади.

10. Сиртқи, маҳсус сиртқи таълимга талабаларни қабул қилиш:

сиртқи таълим шаклида — умумий ўрта (10-11-синфлар негизида), ўрта маҳсус, касб-хунар маълумоти тўғрисидаги тегишли ҳужжатга эга бўлган ва сиртқи таълимга кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)дан муваффақиятли ўтган абитуриентлар ҳисобидан;

маҳсус сиртқи таълим шаклида — фақат мос ёки турдош таълим йўналиши бўйича ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотига ва таълим йўналишига мувофиқ соҳа, касб, лавозимларда камида уч йиллик амалий иш стажига (педагогик йўналишлар учун педагогик стажга) ҳамда ишлаб турган соҳа ташкилотларидан берилган тавсияномага эга бўлган, кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)дан муваффақиятли ўтган абитуриентлар ҳисобидан амалга оширилади.

10<sup>1</sup>. Олий таълим муассасалари бакалавриатининг сиртқи таълим шаклига ўқишга қабул қилиш Давлат комиссиясининг карорига мувофиқ Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган кириш тест синовлари ёки олий таълим муассасаларида ўтказиладиган кириш имтиҳонлари (касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) орқали танлов асосида амалга оширилади.

Бунда:

олий таълим муассасалари бакалавриатининг сиртқи таълим шаклига тест синовлари орқали ўқишга қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади;

олий таълим муассасалари бакалавриатининг сиртқи таълим шаклига олий таълим муассасаларида ўтказиладиган кириш имтиҳонлари (касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) орқали танлов асосида ўқишга қабул қилиш мазкур Низомга 5-иловада белгиланган тартибда амалга оширилади.

10<sup>2</sup>. Олий таълим муассасалари учун белгиланган қабул квоталари таркибида ҳудудлар кесимида мақсадли қабул квоталари тасдиқланган таълим йўналишларига қабул муайян ҳудудда доимий яшайдиган (паспортдаги маълумоти бўйича), умумий ўрта (10-11-синфлар негизида), ўрта маҳсус, касб-хунар маълумоти тўғрисидаги тегишли ҳужжатга эга бўлган ва кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)дан муваффақиятли ўтган абитуриентлар ҳисобидан амалга оширилади.

10<sup>3</sup>. Олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим йўналишларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 июндаги 417-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади.

10<sup>4</sup>. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг офицерлари, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий

аскарлар таркибидаги ҳарбий хизматни ўташда ҳалок бўлган, шунингдек, ҳарбий хизматни ўташда ярадор бўлган, контузия, шикаст олиш натижасида ногирон бўлиб қолган ёки касалликларга дучор бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари вазирликлар ёки идораларнинг тегишли тавсияномалари асосида белгиланган қабул квоталаридан ташқари давлат гранти асосида олий таълим муассасалари бакалавриатига (иккинчи ва ундан кейинги олий таълимдан ташқари) ўқишга танловсиз қабул қилинадилар.

10<sup>5</sup>. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг хизматдаги офицерлари, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарлар таркиби фарзандлари учун олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим шаклидаги таълим йўналишларига давлат гранти асосида белгиланган умумий қабул квоталарининг беш фоизи микдорида давлат гранти асосидаги қўшимча қабул квоталари ажратилади.

Ажратилган беш фоизли давлат гранти асосидаги қўшимча қабул квоталарига талабаликка қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларининг белгиланган шаклдаги тавсияномаларига эга бўлган абитуриентларнинг тест синовлари натижаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ажратилган беш фоизли давлат гранти асосидаги қўшимча қабул квоталарига қабул қилинмаган абитуриентлар тўплаган баллари билан мазкур таълим йўналишида умумий тартибда танловда иштирок этадилар

## 2-боб. Хорижий фуқароларни қабул қилиш

11. Олий таълим муассасаларига хорижий фуқароларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 4 августдаги 169-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида амалга оширилади.

Республика фуқароларини хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга жўнатиш давлатлараро шартномалар ва Давлат комиссиясининг тегишли қарорига, олий таълим муассасалараро шартномаларга ҳамда фуқароларнинг ташаббусига асосан амалга оширилади.

## 3-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш

12. Олий таълим муассасаларида ўқишга қабулни сифатли ташкил этиш мақсадида олий таълим муассасаларида қабул комиссиялари ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан белгиланган тартибда қабул комиссияси раиси, унинг ўринбосари ва қабул комиссияси котиблари тайинланади. Бунда олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) лавозим бўйича қабул комиссиясига раислик қиласди.

Қабул комиссиялари аъзоларининг вазифалари қабул комиссияси раиси томонидан белгиланади.

Абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш хақидаги аризалари олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан 15 июндан 15 июлгача (шу куни ҳам), Ўзбекистон давлат консерваторияси учун 15 июндан 10 июлгача (шу куни ҳам) қабул қилинади.

Аризалар онлайн тарзда ҳам қабул қилиниши мумкин.

Абитуриент олий таълим муассасаси қабул комиссиясига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

таълим йўналиши, ўқув тили, шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза (аризада олий таълим муассасасини тутгатганлиги ёки олий маълумоти йўқлиги, қайси чет тилидан тест топшириши, ҳарбий тавсияномага эга бўлганлар унинг рақамини ва танланган иккинчи олий таълим муассасаси, таълим йўналишини кўрсатишлари ҳамда тест синовларини ўтказиш коидалари ва жавоблар варақаларини тўғри тўлдириш билан танишганлиги кўрсатилади);

умумий ўрта таълимни (11-синф негизида) тутгатганлиги хақидаги ҳужжат ёки ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасини тутгатганлиги хақидаги ҳужжат ва унинг иловаси асл нусхалари;

паспорт (16 ёшга тўлмаганлар учун туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома)нинг нусхаси;

3,5 x 4,5 см ўлчамдаги 6 дона рангли фотосурат; конун хужжатларига мувофиқ ўқишга киришда имтиёз берувчи хужжатнинг асл нусхаси;

махсус сиртқи бўлим абитуриентлари учун меҳнат дафтарчасидан белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма ва ишлаб турган соҳадан тавсиянома.

Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва кўзи ожизлар тоифасига кирувчи шахслар ушбу ҳолатни тасдиқловчи хужжатларни топширадилар.

Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар тоифасига «Мехрибонлик уйлари»да яшаб таълим олган, 18 ёшга тўлмаган, отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган болалар киради.

Ариза шакли олий таълим муассасаси томонидан белгиланади.

Танловдан ташқари ўқишга кириш ҳукуқига эга бўлган ҳалқаро ва республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақалар ғолиблари асл нусхадаги тасдиқловчи хужжатларни топширадилар.

Абитуриент аризасидаги «ўзим ҳақимда қуидагиларни маълум қиласман» устунига хужжатлар билан тасдиқловчи ҳолатлар (болаликдан I ва II гурӯҳ ногиронлари, етим, «Мехрибонлик уйлари» тарбияланувчилари ва бокувчиси йўқ) қайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасининг аслини мазкур банднинг еттинчи — ўнинчи хатбошиларида кўрсатилган хужжатлар билан биргалиқда тақдим этадилар.

Ҳарбий қисм тавсияномасининг шакли ва уни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати томонидан белгиланади.

Абитуриент томонидан паспорт (16 ёшга тўлмаганлар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Ҳарбий қисмлар қўмондонлиги тавсияномалари улар берилган кундан ҳамда муддатли ҳарбий хизматни тутатган давридан бошлаб уч йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади (олий таълим муассасасига талабаликка қабул қилинганлиги тўғрисидаги расмий буйруқ бўлса, имтиёздан такроран фойдаланиш мумкин эмас).

Кўрсатиб ўтилган хужжатлар мавжуд бўлганда олий таълим муассасаси қабул комиссияси абитуриентнинг хужжатларини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

Хужжатлар қабул қилишнинг белгиланган муддатлари тугагандан сўнг хужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қатъиян ман қилинади.

Абитуриент томонидан топширилган хужжатларнинг қалбакилиги аниқланса, у ҳолда абитуриент кириш имтиҳонларидан (талабаликка қабул қилинган бўлса олий таълим муассасаси талabalari сафидан) четлаштирилади ҳамда хужжатлари белгиланган тартибда ҳукуқни муҳофаза қилиш органларига юборилади.

Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари 20 июлгача бўлган муддатда Давлат тест маркази орқали Давлат комиссиясига таълим йўналиши, ўкув шакли ва тили кўрсатилган ҳолда, абитуриентларнинг сони ҳақида белгиланган шаклдаги маълумотни имтиёзга эга бўлганлар тўғрисидаги маълумотлар билан қўшиб тақдим этадилар

#### **4-боб. Касбий (ижодий) имтиҳонлар**

13. Касбий (ижодий) имтиҳонлар тест синовлари ўтказилишига қадар 11 июлдан 20 июлгача, тест мажмуаларида фаннинг ўрнига қараб унинг учун назарда тутилган энг қўп баллнинг 0 дан 100 фоизигача бўлган оралиқда ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича амалга оширилади.

Касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари бўйича тушган норозилик (апелляция) аризалари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан 21 июлга қадар бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари Давлат тест марказига олий таълим муассасалари томонидан 22 июлгача тақдим этилади.

## **5-боб. Тест синовларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиши**

14. Тест синовлари кундузги, махсус сиртқи ва кечки (сменали) таълим шакли учун ҳар йили 1 августдан 15 августгача бўлган муддатда, қоида тариқасида, кунига икки сменада ўтказилади.

Абитуриентларнинг талабаликка тавсия этилган ёки этилмагани тўғрисида белгиланган тартибда тасдиқланган тест синовлари натижалари тест синови ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

15. Олий таълим муассасасида танланган таълим йўналишига қараб абитуриентлар тегишли равишда бир, икки ёки уч фан мажмуалари бўйича тест синовларидан ўтадилар.

Тест топшириклари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими умумтаълим фанлари ўқув дастурларига мувофиқ тузилади.

«Журналистика», «Халқаро журналистика» ва «Нутқ маданияти ва нотиклик санъати» таълим йўналишлари бўйича тест синовлари билан бир қаторда (0 билан 63 баллгача бўлган оралиқда баҳоланувчи) касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилади.

Фанлар мажмуаси Она тили ва адабиёти (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти), Математика (информатика билан), Физика, Кимё, Биология, Тарих, География, Чет тили (инглиз тили, немис тили, француз тили) фанлари бўйича шаклланади.

Давлат тест маркази томонидан бериладиган чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги давлат намунасидаги В1 ва ундан юқори даражадаги малака сертификатга эга бўлган абитуриентларга ушбу ҳолатни тасдиқловчи хужжатни қабул жараёнида тақдим этгандা олий таълим муассасалари бакалавриатининг кириш тест синовлари фанлар мажмуасига чет тили фани киритилган йўналишларда мос чет тили фанидан белгиланган максимал балл берилади ва улар чет тили фанидан тест синови (касбий (ижодий) имтиҳон) топширмайди.

16. Тест синовларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишига қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиши тартиби тўғрисидаги **НИЗОМ** асосида амалга оширилади.

## **6-боб. Абитуриентларни тўлов-контракт асосида қабул қилиш, ўқиши учун тўлов тартиби ва миқдори**

17. Абитуриентларни тўлов-контракт асосида қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган қабул квоталари доирасида ягона қабул қоидалари асосида **кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)нинг** баллар рейтинги бўйича Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади.

Давлат комиссияси томонидан абитуриентларни тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин олий таълим муассасаси билан юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида белгиланган тартибда контрактлар расмийлаштирилади.

Белгиланган намунаидаги контракт бланкалари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан **абитуриентларнинг олий таълим муассасаларига талабаликка тавсия этилганлиги** эълон қилинган кундан бошлаб берилади ва юридик шахслар учун раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланган ҳолда 3 нусхада, жисмоний шахслар учун 2 нусхада расмийлаштирилади.

Давлат комиссияси томонидан тўлов-контракт асосида ўқишига тавсия этилган абитуриентлар учун тўлов ҳар йили контракт шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

Контракт шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари, уларнинг амалга оширилиши тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

18. Олий таълим муассасаларининг таклифларига мувофиқ, уларнинг имкониятлари, танлов ва тўпланган баллар миқдоридан келиб чиқиб, Давлат комиссияси қарори асосида

абитуриентлар тўлов-контракт бўйича белгиланган квотадан ташқари қўшимча равишда ўкишга қабул қилиниши (кейинги ўринларда қўшимча қабул деб аталади) мумкин.

Қўшимча қабулни амалга ошириш таклифлари олий таълим муассасалари томонидан бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда 15 октябрга қадар Давлат комиссиясига киритилади.

Давлат комиссияси олий таълим муассасаларининг имконияти, танлов ва тўпланган баллар миқдоридан келиб чиқиб, оширилган тўлов-контракт шарти билан абитуриентларни қўшимча қабул қилиш кўрсаткичлари юзасидан 20 октябрга қадар қарор қабул қиласди.

Бунда:

баллар кетма кетлиги бўйича рўйхатдаги олдинги абитуриент қўшимча тўлов-контракт асосида ўкишни аризаси билан рад этган ҳолда ёки **кириш имтиҳонлари** (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) натижалари эълон қилинган кунидан бошлаб бир ой муддатда ариза бермагандаги рўйхатдаги кейинги абитуриент қўшимча тўлов-контракт асосида ўкишга тавсия этилади;

қўшимча тўлов-контракт асосида ўкишга қабул қилиш олий таълим муассасасининг бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолдаги таклифларига (қабул кўрсаткичлари бўйича) биноан Давлат комиссияси қарори асосида олий таълим муассасаларининг имконияти инобатга олиниси амалга оширилади.

19. Олий таълим муассасалари қўшимча қабулни Давлат комиссияси қарори билан белгиланган кўрсаткичларга мувофиқ тўплаган баллари **Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган минимал баллдан** кам бўлмаган ва асосий қабул чегараларига 4 баллгача етмаган абитуриентлар орасидан баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширадилар.

Оширилган тўлов-контракт миқдори амалда ўрнатилган тўлов-контракт миқдорига нисбатан қуйидаги миқдорларда белгиланади:

тўплаган баллари тасдиқланган тўлов-контракт бўйича қабул квоталари чегарасига бир баллгача етмаган абитуриентлар учун — 1,5 баробар;

1,1 баллдан 2 баллгача етмаганлар учун — 2,0 баробар;

2,1 баллдан 3 баллгача етмаганлар учун — 2,5 баробар;

3,1 баллдан 4 баллгача етмаганлар учун — 3,0 баробар.

Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда ушбу миқдорлар бўйича тўлов-контракт шартлари биринчи ўкув йили учун тўлиқ бажарилгандан сўнг абитуриент олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ўкишга қабул қилинади.

20. Кирish имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)да тўплаган натижалари Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган минимал баллдан кам бўлмаган, асосий квоталар доирасида ва Давлат комиссияси томонидан белгиланган қўшимча ўринларга қабул қилинмай қолган ва ўкиш истагини билдирган абитуриентларга биринчи ўкув йилига амалда ўрнатилган тўлов-контракт миқдорига нисбатан 10 баробар ва ундан ортиқ оширилган тўлов-контракт миқдорида тўловни амалга ошириш шарти билан ўкишга кириш хукуки берилади.

Кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) натижаларига кўра Давлат комиссияси томонидан белгиланадиган минимал баллдан кам балл тўплаган абитуриентларга биринчи ўкув йилига амалдаги оширилган тўлов-контрактнинг таълим йўналиши бўйича белгиланган энг юкори миқдорининг 2 баробарига тенг тўловни амалга ошириш шарти билан ўкишга кириш хукуки берилади.

Тест синовлари натижаси бўйича етарли балл тўпламаган ва оширилган тўлов-контракт асосида ўкиш истагини билдирган барча абитуриентлар учун оширилган тўлов-контрактнинг миқдори (баробари) кам бўлган таълим йўналишини танлаш имконияти берилади. Бунда, абитуриент тест топширган фанлар мажмуасининг (фанларнинг блокдаги ўрни) мослиги билан биргаликда унинг доимий яшаш жойи ёки хужжат топширган олий таълим муассасаси жойлашган худуд мезон этиб белгиланади.

Оширилган тўлов-контракт асосида ўкиш истагини билдирган абитуриент Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда тўлов-контракт шартларини биринчи ўкув йили учун тўлиқ бажаргандан сўнг олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан ўкишга қабул қилинади.

21. Олий таълим муассасалари қўшимча оширилган тўлов-контракт асосида қабул қилинган абитуриентлар хақида маълумотни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат тест марказига 1 ноябрга қадар тақдим этадилар.

22. Республика олий таълим муассасаларига қўшимча қабул қилинган талабалар биринчи ўкув йилини тугатгандан сўнг кейинги ўкув йилидан бошлаб амалда ўрнатилган базавий тўлов-контракт микдори асосида ўқишини давом эттирадилар.

## **7-боб. Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолибларини қабул қилиш**

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида» 1993 йил 5 февралдаги ПФ-555-сон Фармонига мувофиқ ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари ғолиблари бўлган академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Республика олимпиадалари, танловлари ва спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги низомлар асосида халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази таъсис этадиган махсус гувоҳномани олганлар Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларининг мос таълим йўналишларига танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сон Фармонига мувофиқ Зулфия номидаги Давлат мукофотлари сохибалари бўлган умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари мос таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мард ўғлон» давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 ноябрдаги ПҚ-3402-сон қарорига мувофиқ «Мард ўғлон» давлат мукофоти сохиблари бўлган умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари мос таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни саклаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва тегишли вазирликлар, идоралар томонидан ҳар йили ўтказиладиган педагогика ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари битирувчилари ва таълим муассасалари тарбияланувчиларининг «Тарбиячи» республика танлови ғолиби, тиббиёт муассасалари ҳамшираларининг «Ҳамшира» республика танлови ғолиби, Бадиий академиясининг тасвирий санъат бўйича республика танлови ғолиблари, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари мазкур вазирликлар, идоралар ва жамғармалар тақдимномаларига мувофиқ Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларига, мос таълим йўналишларига танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш мақсадида тавсияномалар бериш бўйича республика комиссияси тақдимномаси асосида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг қарори билан доимий яшаш жойидаги олий таълим муассасаларининг педагогика таълим йўналишларига танловдан ташқари кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон)сиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар;

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг бутун ўқиш даврини аъло баҳоларга ўқиган битирувчилари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг тавсиясига асосан Давлат комиссияси қарори билан олий таълим муассасалари бакалавриатининг хорижий тил ва адабиёти, филология ва тилларни ўқитиш таълим йўналишларига танловдан ташқари тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз қўшимча давлат грантлари асосида ўқишига қабул қилинадилар.

Олимпиада фани, танловлар билан олий таълим йўналишлари ўртасидаги касбий мувофиқлик Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Маданият вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари олимпиадалар, танловлар ва мусобақалар ғолибларининг аризалари ҳақидаги маълумотларни, таълим йўналиши, ўкув шакли ва тили кўрсатилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Давлат тест маркази орқали Давлат комиссиясига 22 июлгача бўлган муддатда тақдим этадилар. Давлат комиссияси 31 июлгача ғолиб бўлганлар бўйича тегишли вазирликлар, идораларнинг тақдимномаси асосида алоҳида қарор қабул қиласди.

#### **8-боб. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентларни ўқишига қабул қилиш**

24. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни республика олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш тасдиқланган низом асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.

24<sup>1</sup>. Ҳарбий хизматчилар орасидан юқори натижаларга эришган, ҳар бир ҳарбий қисмдан биттадан ёш ҳарбий хизматчи ҳарбий қисм қўмандонлиги (раҳбарияти) ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти тавсияномасига мувофиқ олий таълим муассасаларига тасдиқланган давлат гранти квоталарига қўшимча равишда, имтиҳонларсиз қабул қилинади.

#### **9-боб. Ўқишига қабул қилиш тартиби**

25. Давлат комиссиясининг абитуриентларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш тўғрисидаги қарори асосида олий таълим муассасалари 25 августга қадар абитуриентларни давлат грантлари бўйича талабалар сафига қабул қилиш ҳақидаги буйруқлари расмийлаштирилади.

Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар (хужжат топширган таълим йўналиши бўйича тўлов-контракт асосидаги қабул квоталари доирасида белгиланган ўтиш баллини тўплаган бўлса) ва қўзи ожизлар тоифасига кирувчилар қабули алоҳида давлат гранти ажратилиб Давлат комиссияси қарори билан амалга оширилади.

Тўлов-контракт асосида абитуриентларни ўқишига қабул қилиш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ўқиши учун контрактда белгиланган маблағ миқдори 15 сентябрдан кечиктирилмай, белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг, олий таълим муассасасининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этилган абитуриентларни 2 сентябрдан бошлаб дарсларга қатнашишга рухсат этиш тўғрисида олий таълим муассасасининг буйруғи расмийлаштирилади.

Кўшимча тўлов-контракт асосида ўқиши истагида бўлган абитуриентлар Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатларда ушбу миқдорлар бўйича тўлов-контракт шартлари биринчи ўкув йили учун тўлиқ бажарилгандан сўнг абитуриент олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ўқишига қабул қилинади.

#### **10-боб. Якунловчи қоидалар**

26. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонун хужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

26<sup>1</sup>. Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишига қабул қилиш тўғрисидаги қарорлардан норози бўлганлар тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ёки судга белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳукуқига эга.

**Олий таълим муассасаларида ягона қўп балли баҳолаш тизими бўйича касбий  
(ижодий) имтиҳонларни ўтказиш**

**ТАРТИБИ**

1. Олий таълим муассасаларида ягона қўп балли баҳолаш тизими бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар (кейинги ўринларда касбий (ижодий) имтиҳонлар деб аталади) тест синовлари ўтказилишига қадар 11 июлдан 20 июлгача ўтказилади.

2. Тест синовларига қўшимча тарзда назарда тутилган касбий (ижодий) имтиҳонлар Давлат комиссияси тасдиқлаган таълим йўналишлари рўйхати бўйича ўтказилади.

3. Касбий (ижодий) имтиҳонларнинг бош мақсади абитуриентларнинг танланган мутахассислик бўйича ўқиши ва кейинчалик ишлаб кетиш имкониятларини аниқлаш, уларнинг танланган фанлар бўйича билимлари ва малакалари даражаларини, касбий кўникмаларини, ижодий ва жисмоний қобилиятларини баҳолашдир.

4. Касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиладиган фанлар бўйича дастур, имтиҳонлар саволлари ва топширикларининг мазмуни умумий ўрта (11-синф негизида), ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари дастурларига қатъий мувофиқлаштирилган бўлиши лозим. Спорт фанлари бўйича имтиҳонлар топшириклари абитуриентларнинг алоҳида тоифалари учун (жинси ва ёши бўйича) белгиланган меъёрий талабларга мувофиқ тузилади.

5. Абитуриентлардан касбий (ижодий) имтиҳонлар қабул қилиш учун олий таълим муассасасида фан бўйича имтиҳон комиссияси ташкил этилади.

Олий таълим муассасасида касбий (ижодий) имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

имтиҳонлар бошланишидан бир ой олдин ректорнинг бўйруғи билан олий таълим муассасасида тегишли фанлар бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва қабул қилиш масалалари бўйича тажрибали, малакали ва масъулиятли ўқитувчилар таркибидан фан бўйича имтиҳон комиссияси ташкил этилади;

айрим ҳолларда олий таълим муассасаси фан бўйича имтиҳон комиссияси таркибига бошка таълим муассасалари ўқитувчилари ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг асосий иш жойи маъмуриятининг тавсияларига биноан киритилишига йўл қўйилади;

олий таълим муассасаси идоравий бўйсунишига қараб вазирлик (идора) билан келишган ҳолда фан бўйича имтиҳон комиссиясининг раислигига номзодни ўз вақтида тасдиқлаш учун Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тақдим этади;

«Олий ҳамширалик иши» йўналиши бўйича имтиҳон комиссияларининг раислари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади;

имтиҳонлар тасдиқланган жадвалга қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилади;

имтиҳонларга ажратиладиган вақт олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг қарори билан белгиланади;

абитуриентларнинг ёзма шаклда бажарган имтиҳон ишларини текшириш ва баҳолаш кириш ёзма имтиҳонларини текшириш ва баҳолаш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Имтиҳонлар тест синовлари мажмуаларидаги фаннинг эгаллаган ўрнига қараб белгиланган энг кўп баллнинг 0 дан 100 фоизгача бўлган оралиғида, ягона қўп балли тизим бўйича баҳоланади.

Имтиҳонларни баҳолаш мезонлари ҳар бир фанга ажратилган умумий баллар доирасида, абитуриентларга қўйилган талабларнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, олий таълим муассасасининг фан имтиҳон комиссияси томонидан белгиланади.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда таянч олий таълим муассасалари томонидан касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиладиган фанлар бўйича дастур ва баҳолаш мезонлари тасдиқланади.

Агар имтиҳон таълим йўналиши доирасидаги қатор мустақил фанлар бўйича ўтказиладиган бўлса, унда уни баҳолаш учун белгиланган балларнинг умумий миқдори, ҳар

бир фаннинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, дифференциал тартибда, унинг таркибидаги фанларга бўлинади.

Олий таълим муассасаси қабул комиссияси имтиҳонлар бошланишидан бир ой олдин абитуриентлар эътиборига Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда таянч олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланган имтиҳон олинадиган фанлар дастурини, уларни баҳолаш мезонларини, маслаҳатлар ва имтиҳонлар жадвалини маълум қилади. «Олий ҳамширалик иши» йўналиши бўйича ушбу тадбирлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

7. Имтиҳонлар якунлари баллар миқдори сифатида, танлов тартибida имтиҳон варакасига ва имтиҳон рўйхатига киритилади. Бу ҳужжатларнинг ҳар бири фан бўйича имтиҳон комиссияси раиси ва олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг масъул котиби томонидан имзоланади.

Имтиҳон қайдномалари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан ўз вақтида Давлат тест марказига тақдим этилади.

8. Жадвал бўйича касбий (ижодий) имтиҳонларга (имтиҳон босқичи ёки турига) келмаган абитуриентлар учун қайта касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилмайди, улар навбатдаги имтиҳонларга қўйилмайди ҳамда ўқишига қабул қилинмайди.

9. Олий таълим муассасасида касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилиши даврида белгиланган тартибда норозилик (апелляция) аризаларини кўриб чиқиш учун апелляция комиссияси иши ташкил этилади.

Олий таълим муассасаларининг  
бакалавриатига талabalарни ўқишига  
қабул қилиш тартиби тўғрисида  
**НИЗОМГА**  
**2-ИЛОВА**

## **Ўқитиш тожик, қозоқ, туркман ва қирғиз тилларида олиб бориладиган айрим таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларини қабул қилиш**

### **ТАРТИБИ**

1. Айрим таълим йўналишлари бўйича ўқитиш тожик, қозоқ, туркман ва қирғиз тилларида олиб бориладиган олий таълим муассасаларида, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) билан келишган ҳолда, қабул қўп балли тизим бўйича касбий имтиҳонлар ва тест синовлари асосида амалга оширилади.

Бу таълим йўналишига аризалар факат умумий ўрта таълим муассасасини ёки ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасасини кўрсатилган тилларда битирган абитуриентлардан қабул қилинади.

2. Кўп балли тизим бўйича касбий имтиҳонлар ва тест синовлари асосида қабулни амалга оширувчи олий таълим муассасалари кўрсатилган ҳолда ўқитиш тожик, қозоқ, туркман ва қирғиз тилларида олиб бориладиган таълим йўналишларининг рўйхатини, касбий (ижодий) имтиҳонлар ва тест синовлари фанларини Давлат комиссияси белгилайди.

3. Имтиҳон дастури, саволлар мазмуни ва имтиҳонлар топшириқлари умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими умумтаълим фанлари дастурларига қатъий мувофиқ бўлиши лозим.

4. Абитуриентлардан касбий (ижодий) имтиҳонларни қабул қилиш учун олий таълим муассасасида белгиланган тартибда фанлар бўйича имтиҳон комиссиялари ташкил этилади.

Олий таълим муассасаси идоравий бўйсунишига қараб вазирлик (идора) билан келишилган ҳолда фанлар бўйича имтиҳон комиссияларининг раислигига номзодларни ўз вақтида тасдиқлаш учун Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тақдим этади.

Имтиҳонлар тасдиқланган жадвалга қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилади.

Имтиҳонларга ажратиладиган вақт олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг қарори билан белгиланади.

5. Имтиҳонлар тест синовлари мажмуаларидаги фаннинг эгаллаган ўрнига қараб (тегишли равиша 93,0 балл, 63,0 балл ёки 33,0 балл) белгиланган энг кўп баллнинг 0 дан 100 фоизгача бўлган оралиғида, ягона кўп балли тизим бўйича баҳоланади.

Имтиҳонларни баҳолаш мезонлари, ҳар бир фанга ажратилган умумий баллар доирасида, олий таълим муассасасининг имтиҳон комиссияси томонидан белгиланади.

Олий таълим муассасаси қабул комиссияси имтиҳонлар бошланишидан бир ой олдин, абитуриентлар эътиборига Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда таянч олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланган имтиҳон олинадиган фанлар дастури, уларни баҳолаш мезонлари, маслаҳатлар ва имтиҳонлар жадвалини маълум қиласди.

6. Имтиҳонлар якунлари баллар микдори сифатида, танлов тартибида имтиҳон варакасига ва имтиҳон рўйхатига киритилади. Бу ҳужжатларнинг ҳар бири фан бўйича имтиҳон комиссияси раиси ва олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг масъул котиби томонидан имзоланади.

Имтиҳонлар натижаларига кўра, олий таълим муассасаси қабул комиссияси белгиланган таълим йўналишлари бўйича тасдиқланган ўринлар квотасига танлов ўтказади.

Тест синовлари топширилмайдиган таълим йўналишларининг кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган абитуриентлар олий таълим муассасаси қабул комиссияси мажлисининг баённомаси ва олий таълим муассасаси ректорининг бўйруғи билан белгиланган квота доирасида давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилинадилар.

7. Жадвал бўйича имтиҳонга келмаган абитуриентлар навбатдаги имтиҳонни топширишга киритилмайди.

8. Олий таълим муассасасида касбий имтиҳонлар ўтказилиши даврида белгиланган тартибида норозилик (апелляция) комиссиясининг иши ташкил этилади.

9. Касбий (ижодий) имтиҳонлар адолатли ва холисона ўтказилишини таъминлаш бўйича шахсий масъулият олий таълим муассасаси ректори ва қабул комиссияси масъул котиби зиммасига юкланди.

Олий таълим муассасаларининг  
бакалавриатига талабаларни ўқишига  
қабул қилиш тартиби тўғрисида  
**НИЗОМГА**  
**З-ИЛОВА**

## **Олий таълим муассасаларига кўзи ожиз абитуриентларни ўқишига қабул қилиш**

### **ТАРТИБИ**

1. Кўзи ожизлар тоифасига қўйидаги абитуриентлар киради:

маҳсус мактаб-интернатлар томонидан кўзи ожизлар учун берилган ўрта таълим (11-синф негизида) етуклик аттестатига эга шахслар;

имконияти чекланган шахслар учун ихтисослашган касб-хунар коллежлари томонидан кўзи ожизлар учун берилган дипломга эга шахслар;

9 йиллик кўзи ожизлар маҳсус мактаб интернатида ўқиган ва 3 йиллик ўрта маҳсус, касб ҳунар таълим муассасаси дипломига эга бўлган шахслар;

умумий ўрта таълим (11-синф негизида) ҳужжати ёки академик лицей (касб-хунар коллежи) дипломига эга бўлган кўзи бўйича 1-гуруҳ ногиронлиги тўғрисида белгиланган тартибида берилган шаклдаги маълумотномасига эга бўлган шахслар.

2. Кўзи ожиз абитуриентлар олий таълим муассасаларига кириш чоғларида кириш имтиҳонларини таълим йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) томонидан тест синовлари учун белгиланган фанлар мажмуасига мос келувчи кўп балли ёки уларга келтирилган беш балли баҳолаш тизими бўйича, анъанавий услубда топширадилар.

3. Фанлар бўйича кириш имтиҳонларини ўтказиш шакли (ёки оғзаки) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан белгиланади.

4. Кўзи ожиз абитуриентлар билан тушунтириш ишларини олиб бориш учун олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан маҳсус масъул ходим ажратилади.

5. Олий таълим муассасаси қабул комиссияси кириш имтиҳонларини ўтказиш учун фанлар бўйича комиссияларни ташкил этади.

6. Фан бўйича кириш имтиҳонларининг дастурлари умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими умумтаълим фанлари дастурларига тўла мувофиқ ҳолда тузилади ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда таянч олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланади.

7. Кириш имтиҳонларини ўтказувчи комиссия таркибига кўзи ожизлар ёки ногиронлар жамиятининг вакили киради.

8. Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари кўзи ожиз абитуриентлар учун кириш имтиҳонлари фанлари бўйича маҳсус тузилган жадвалга биноан маслаҳатлар ташкил этадилар.

9. Кўрсатилган абитуриентлар тоифаси учун кириш имтиҳонлари олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан 26 июлга қадар ўтказилади.

10. Мазкур тоифага кирадиган абитуриентлар ва кириш имтиҳонлари натижалари хақидаги маълумотлар 27 июлга қадар Давлат комиссиясига ва Давлат тест марказига топширилади.

11. Кириш имтиҳонларидан мувваффақиятли ўтган (кўп балли тизимда баҳоланганды—максимал баллнинг 55 фоизидан юқори балл олган, беш балли баҳолаш тизимида баҳоланганды — «3», «4» ёки «5» баҳо олган) абитуриентлар Давлат комиссияси қарори асосида танловсиз, алоҳида ажратилган ўринларга давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

«Олий таълим муассасаларининг  
бакалавриатига талабаларни  
ўқишига қабул қилиш тартиби  
тўғрисида низомга  
5-ИЛОВА

## **Олий таълим муассасаларининг сиртқи таълим шаклига ўқишига қабул қилиши ТАРТИБИ**

1. Ўқитишининг сиртқи шаклига талабаликка қабул фақат тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

2. Ўқитишининг сиртқи шаклига кириш учун ҳужжатлар ҳар йили 1 июлдан 30 июлгача бўлган мuddатда қабул қилинади.

3. Олий таълим муассасаси таълим йўналиши (фан) бўйича имтиҳон комиссиясининг раислигига номзодни ўз вақтида тасдиқлаш учун бўйсунувига қараб тегишли вазирлик ёки идора билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тақдим этади.

Олий таълим муассасаси таълим йўналиши (фан) бўйича имтиҳон комиссиясининг раислари рўйхати Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг бўйруғи билан тасдиқланади.

4. Кириш имтиҳонлари бошланишидан олдин ректорнинг бўйруғи билан тегишли фанлар бўйича имтиҳонларни ташкил этиш ва қабул қилиш учун тажрибали, малакали ва масъулиятли профессор-ўқитувчилар таркибидан таълим йўналиш (фан)лари бўйича имтиҳон комиссияси ташкил этилади.

5. Айрим ҳолларда олий таълим муассасаси таълим йўналиши (фан) бўйича имтиҳон комиссияси таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда бошқа таълим муассасалари ўқитувчилари асосий иш жойи маъмуриятининг тавсияларига биноан киритилиши мумкин.

6. Ўқитишининг сиртқи шаклига кириш имтиҳонлари дастурлари, баҳолаш мезонлари ҳамда кириш имтиҳонлари бўйича уларга мувофиқ келувчи фанлар мажмуаси олий таълим муассасасининг ректори томонидан бўйсунуви бўйича вазирлик ёки идора билан келишилган

холда тасдиқланади ва кириш имтиҳонлари бошланишидан олдин абитуриентлар эътиборига ётказилади.

Кириш имтиҳонлари топшириқлари умумий ўрта (11-синф негизида), ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими фанларининг ўқув дастурларига мувофиқ тузилади.

Спорт фанлари бўйича имтиҳонлар топшириқлари абитуриентларнинг алоҳида тоифалари учун (жинси ва ёши бўйича) белгиланган меъёрий талабларга мувофиқ тузилади.

7. Кириш имтиҳонлари ўтказилишидан бир хафта олдин абитуриентларга олий таълим муассасаси қабул комиссияси масъул котиби имзолаган ва олий таълим муассасаси қабул комиссияси муҳри қўйилган ва ушбу тартибга 1-иловада намуна сифатида келтирилган рухсатнома берилади.

8. Кириш имтиҳонларини ташкил этиш ва уларни жойларда адолатли ўтказиш масъулияти олий таълим муассасалари қабул комиссиялари раислари, фан бўйича имтиҳон комиссия раислари ва улар томонидан тайинланадиган масъул ходимларга юкланди.

9. Кириш имтиҳонлари ҳар йили 16 августдан 25 августгача бўлган муддатда ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари камидан 3 та фандан муайян таълим йўналишида ўқитиш тилида ўтказилади.

10. Педагогика таълим йўналишларига хужжат топшираётган абитуриентларга қасбий лаёкатига мувофиқ қасб танлашга қўмаклашиш олий таълим муассасалари томонидан очик эшиклар куни, карьера куни, меҳнат ярмаркаси тадбирларини ўтказиш, шунингдек, абитуриентлардан хужжат қабул қилиш жараёнида факультетларда ташкил этилган қасбга йўналтириш хоналарида маслаҳатлар бериш орқали амалга оширилади.

11. Имтиҳонларга ажратиладиган вақт имтиҳон дастурларига мувофиқ олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг қарори билан белгиланади.

12. Кириш имтиҳонлари ўтказиладиган бинога киришда абитуриент микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қиласа ёки олиб кирган бўлса, имтиҳонлар давомида имтиҳон топшириқларини бошқа абитуриентга узатса ёки ёрдам берса, имтиҳонлар учун ажратилган вақт тугаганидан кейин имтиҳон топшириқларини топширишдан бош тортса, имтиҳон топшириқларини аудиториядан ташқарига чиқарса, абитуриент имтиҳон ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва таълим йўналиши (фан) бўйича имтиҳон комиссияси раиси (аъзоси) томонидан далолатнома тузилиб, у имтиҳондан четлаштирилади ва ўқишга қабул қилинмайди.

13. Имтиҳон жараёни ҳар бир гурухда камидан 2 нафар гуруҳ назоратчisi кузатуvida комиссия раиси томонидан тасдиқланган жадвалга қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилади.

14. Абитуриентларнинг ёзма (амалий) шаклда бажарган имтиҳон ишларини текшириш ва баҳолаш шифрлаш орқали амалга оширилади.

Кириш имтиҳони тугаганидан сўнг гуруҳ назоратчisi абитуриентларнинг ёзма (амалий) имтиҳон ишларини қабул қилиб олиш, ҳар бир ёзма (амалий) иш ва унинг ушбу тартибга 2-иловада намуна сифатида келтирилган титул варагига идентификация ракамлари (шифр)ни қўйиш ҳамда имтиҳон комиссияси раисига ушбу имтиҳон ишларини текширишга бериш учун масъул ҳисобланади.

Ёзма (амалий) имтиҳон ишларига қўйилган шифрларнинг маҳфийлигини таъминлашга гуруҳ назоратчisi шахсан масъул ҳисобланади.

Ёзма (амалий) имтиҳон ишларини шифрлаш ва қайта тиклаш ҳамда уларни текшириш ва баҳолаш маҳсус ажратилган хоналарда амалга оширилади.

Ёзма (амалий) имтиҳон ишларини объектив текшириш ва баҳолаш учун масъулият фан бўйича имтиҳон комиссияси раиси ва аъзоларига юклатилади.

Ёзма (амалий) имтиҳон ишлари қабул комиссияларининг маҳсус хоналарида бир йил сакланади ва ушбу муддат ўтганидан сўнг белгиланган тартибда йўқ килинади.

15. Қабул комиссиялари фаолияти олий таълим муассасаси бўйсунувига кўра вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари ёки тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ваколат берилган ходимлар томонидан кузатиб борилади.

16. Имтиҳонлар, тегишли бакалавриат таълим йўналишлари рўйхати ва уларга мувофиқ келувчи 3 та фан мажмуаларида тўпланиши мумкин бўлган максимал 189,0

баллдан, ҳар бир фаннинг ўрнига қараб унинг учун ажратилган энг кўп баллнинг 0 дан 100 фоизгача бўлган оралиқда баҳоланади.

17. Имтиҳонлар натижалари баллар миқдори сифатида, титул варагига ва қайдномага киритилади. Бу хужжатларнинг ҳар бири фан бўйича имтиҳон комиссияси раиси ва олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг масъул котиби томонидан имзоланади ҳамда муҳрланади.

18. Ўқитишининг сиртқи таълим шакли бакалавриат таълим йўналишларига мувофиқ фанлар мажмуасидаги ҳар бир фан бўйича имтиҳон натижалари имтиҳон хусусиятига қараб, имтиҳон ўтказилганидан кейин 1 — 3 кун муддатда олий таълим муассасаси расмий веб-сайтида эълон қилинади.

19. Олий таълим муассасасида имтиҳонлар ўтказилиши даврида белгиланган тартибда норозилик (апелляция) аризаларини кўриб чиқиш учун апелляция комиссияси иши ташкил этилади.

Норозилик (апелляция) аризалари имтиҳон натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат ичида қабул қилинади ва аппеляция комиссияси томонидан мурожаат қилғанларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда бир кундан уч кунгacha бўлган муддатда кўриб чиқиласди.

20. Жадвал бўйича имтиҳонларга (имтиҳон фани, босқичи ёки турига) келмаган абитуриентлар учун қайта имтиҳонлар ўтказилмайди ва улар ўқишга қабул қилинмайди.

21. Кириш имтиҳонлари натижаларига кўра абитуриентларни талабаликка тавсия этиш тўғрисида олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи қабул қилиниб, кириш имтиҳонлари қайдномалари ҳар йили 29 августга қадар бўйсунувига кўра тегишли вазирлик (идора)га тақдим этилади.

Ўқитишининг сиртқи шаклига талабаликка тавсия этилган абитуриентларни 2 сентябрдан бошлаб дарсларга қатнашишга рухсат бериш тўғрисида олий таълим муассасасининг буйруғи расмийлаштирилади.

Ўқитишининг сиртқи шаклига абитуриентларни ўқишга қабул қилиш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ўқиш учун шартномада белгиланган маблағ миқдори 15 сентябрдан кечиктирилмай, белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг, олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

22. Сиртқи таълим йўналишларига қабул қилиш тўғрисидаги қарорлардан норози бўлганлар белгиланган тартибда, тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ёки судга мурожаат қилиш хуқуқига эга.

Олий таълим муассасаларининг  
сиртқи таълим шаклига ўқишга  
қабул қилиш тартибига  
**1-ИЛОВА**

 The linked image cannot be displayed. The file may have been moved, renamed, or deleted. Verify that the link points to the correct file and location.

Олий таълим муассасаларининг  
сиртқи таълим шаклига ўқишга  
қабул қилиш тартибига  
**2-ИЛОВА**

 The linked image cannot be displayed. The file may have been moved, renamed, or deleted. Verify that the link points to the correct file and location.

**Олий таълим муассасаларининг магистратурасига ўқишига қабул қилиш тартиби  
тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «**Таълим тўғрисида**» ва «**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ олий таълим муассасаларининг магистратурасига (кейинги ўринларда магистратура деб аталади) талабаларни қабул қилиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом ҳарбий таълим муассасаларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясига, Тошкент давлат юридик университетига, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясига, Абу Райхон Беруний номидаги Республика бизнес ва бошқарув олий мактаби, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим муассасалари ҳамда уларнинг филиалларига татбиқ этилмайди.

2. Магистратурага қабул олий таълим муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида қабул квоталарига мувофиқ амалга оширилади.

3. Магистратурага қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) томонидан кириш синовлари натижаларига кўра, тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Магистратурага қабул тегишли таълим йўналиши ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган турдош (магистратурага қабул бўйича) олий таълим йўналишлари рўйхати бўйича бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар ўртасида танлов асосида амалга оширилади.

Бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар турдош таълим йўналишлари рўйхатидаги ихтисосликларнинг бирида танловда қатнашиш хукуқига эгалар.

Магистратурага қабул барча учун (хам грантлар, ҳам тўлов-контракт бўйича) тенг хукуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, кириш синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш хукуқи таъминланади. Колган аббитуриентлар баллар рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш хукуқига эгадирлар.

Танлов ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича магистрлик мутахассислиги, ўқитиш тили ва шаклига кўра алоҳида ўтказилади. Айрим магистратура мутахассисликлари бўйича ҳудудлар кесимида, шунингдек, кадрлар буюртмачилари кесимида мақсадли қабул квоталари тасдиқланган тақдирда, танлов ҳар бир ҳудуд, шунингдек, кадрлар буюртмачилари (олий таълим муассасаси) бўйича алоҳида ўтказилади.

4. Кириш синовлари тегишли мутахассислик ўқитиладиган тилда ўтказилади.

Магистратурада ўқитиш тили Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган қабул кўрсаткичлари доирасида ҳужжатлар қабул қилинишига қадар вазирликлар ва идоралар томонидан белгиланади ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

5. Абитуриентлар магистратурага кириш синовларини олий таълим муассасасида ўқийдиган тилда топширади.

6. Магистратурага қабул қилиш ишлари Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ жорий ўқув йили учун тайинланган олий

таълим муассасаси қабул комиссияси зиммасига юкланди ва магистратурага қабул қилиш ишлари бўйича қабул комиссияси масъул котибининг ўринбосари тайинланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва номли давлат стипендиялари совриндорлари, Зулфия номидаги Давлат мукофотлари соҳибалари, шунингдек «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиблари бўлган олий таълим муассасалари талабалари ва бакалавр даражасига эга ёшлар олий таълим муассасалари магистратурасига бакалавриатнинг таълим йўналишига мос ва турдош мутахассисликларга танловдан ташқари алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

## 2-боб. Хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилиш

8. Магистратурага хорижий фуқароларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиши тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 4 августдаги 169-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида амалга оширилади.

## 3-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

9. Магистратурага кириш имтиҳонлари бошланишидан бир ой аввал, олий таълим муассасаси қабул комиссияси магистратурага қабул қилиш муддатлари, мутахассисликлар номлари ва ажратилган ўринлар ҳақидаги ахборотни белгиланган тартибда эълон қиласди.

10. Магистратурага киришдаabituriyentlar (бакалавр даражасига эга бўлганлар, дипломли мутахассислар) олий таълим муассасаси қабул комиссиясига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда, олий таълим муассасаси ректори номига ариза;

олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (ёки дипломдан қўчирма — Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиб тутатганлар учун) ҳамда унга илова;

чоп этилган илмий мақола ёки тезислари (ёки уларга тенглаштирилган ҳужжатлари) нусхаси (мавжуд бўлган ҳолда);

3.5 x 4.5 ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;

086-У-шаклдаги тиббий маълумотнома;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқишга киришда имтиёз берувчи ҳужжатнинг асл нусхаси.

11. Ҳужжатлар 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.

12. Ҳужжатлар тақдим этилиши жараёнидаabituriyentlar паспортини шахсан кўрсатадилар.

13. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлганда олий таълим муассасаси қабул комиссиясиabituriyentning ҳужжатларини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

## 4-боб. Кириш синовлари

14. Магистратурага кириш синови умумий баллари қўйидагилардан ташкил топади:

магистратурага киришда танлаган мутахассислик бўйича билим даражасини белгиловчи маҳсус фанлардан синов ўтказилади (баҳолаш мезони 0 баллдан 100 баллгачани ташкил этади);

чет тили (хорижий филология, хорижий тил ва адабиёти таълим йўналишлари базасидаги мутахассисликлар учун иккинчи чет тили) фани бўйича синов ўтказилади (баҳолаш мезони 0 баллдан 50 баллгачани ташкил этади);

олий таълим муассасаси битирувчисининг умумий рейтинги ёки ўзлаштириш кўрсаткичи (ўзлаштириш тегишли равища 55 баллдан 100 баллгача бўлган диапазонда юздан бир аникликда, ўзлаштирган фанларининг ўртача бали орқали ифодаланади) аникланади.

Халқаро тан олинган чет тилини билиш даражаси ҳақидаги сертификат (TOEFL бўйича камида 72 ёки IELTS бўйича камида 5,5 балл, TestDaF (TD№3), CEFR бўйича камида

B2) ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан бериладиган Чет тилини билиш даражаси ҳакидаги B2 ёки C1 даражасидаги сертификат тақдим этгандарга чет тилидан 50 балл қўйилади ва улар чет тилидан кириш синовида иштирок этмайди.

Магистратурага ўқишига киришда энг кўп (максимал) тўпланиши мумкин бўлган балл — 250 ни ташкил этади.

15. Абитуриентлар қўйидаги фанлардан ёзма (ёки ижодий) кириш синовлари (максус тест синовлари) топширадилар:

магистратура мутахассислигига мувофиқ келувчи таълим йўналишининг максус фанлари (2 тагача);

Информатика ва ахборот технологиялари;

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти;

чет тили (хорижий филология, хорижий тил ва адабиёти таълим йўналишлари базасидаги мутахассисликлар учун иккинчи чет тили).

16. Кириш синовлари (максус тест синовлари) ўтказиш шакли ва фанлар бўйича синов дастурлари ҳамда абитуриентларнинг билимларини баҳолаш мезонлари олий таълим муассасасининг ректори томонидан тегишли вазирликлар, идоралар ва Олий ва ўрта максус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади ва кириш синовлари бошланишидан бир ой аввал абитуриентлар эътиборига етказилади.

Суҳбатдан ўтказиш учун танланган мутахассисликка мос абитуриентнинг илмий ва илмий-педагогик ишларга қобилияти ҳамда қизиқишини аниқлашга қаратилган саволлар етакчи мутахассислар томонидан тузилади ва бир ой олдин абитуриентлар эътибори учун қабул комиссияси ахборот доскасида эълон қилинади. Мазкур саволлар асосида имтиҳон билетлари тузилади ва суҳбат вақтида абитуриент имтиҳон билетига жавобларини комиссияга ёзма равишда тақдим этиб, саволларга оғзаки жавоб беради. Суҳбат давомида абитуриентнинг илмий мақола ёки тезислари (ёки уларга тенглаштирилган хужжатлари) кўриб чиқилиб, суҳбат натижаларини баҳолашда инобатга олинади.

17. Кириш синовлари (максус тест синовлари) 3 — 15 август кунлари ўтказилади.

18. Кириш синовлари (максус тест синовлари) ўтказилишига қадар, олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан синов фанлари бўйича маслаҳатлар ташкил этилади. Маслаҳатлар жадвали олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ва ректор томонидан тасдиқланади.

19. Кириш синовларини ўтказиш учун ректорнинг буйруғи билан ҳар бир синов фанлари бўйича комиссиялар ташкил этилади. Фанлар бўйича комиссия раислари, олий таълим муассасасининг идоравий бўйсунишига қараб, вазирликлар ва идоралар томонидан тасдиқланади.

20. Синов фанлари бўйича комиссия таркиби олий таълим муассасасининг етук ва тажрибали профессор-ўқитувчилари таркибидан ташкил этилади. Зарур ҳолларда унинг таркибига бошқа олий таълим муассасасининг ўқитувчилари ҳам жалб этилиши мумкин.

21. Синов фанлари бўйича комиссия раислари зиммасига қўйидаги масъулият юкланади:

кириш синовлари сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида комиссия таркибига малакали, талабчан ваadolатли профессор-ўқитувчиларни жалб этиш;

комиссия аъзоларининг вазифаларини белгилаш (маслаҳатлар беришни ташкил этиш, имтиҳон саволларини тузиш, жавобларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва бошқалар);

синов жараёнинг раҳбарлик қилиш ва назорат этиш.

22. Фанлар бўйича синовларни ўтказиш тартиби (ўқитувчиларни аудиторияларга тақсимлаш, жавобларни шифрлаш ҳамда текшириш ва ҳоказолар) олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан белгиланади.

23. Кириш синовларининг натижалари, баҳолаш мезонларига мувофиқ балл билан белгиланади ва қайдномаларга киритилади. Қайдномалар фан бўйича имтиҳон комиссиясининг аъзолари, қабул комиссиясининг масъул котиби томонидан имзоланади ва қабул комиссиясининг раисига тақдим этилади.

24. Олий таълим муассасасига ўқишига қабул қилинган абитуриентларнинг синов ишлари уларнинг шахсий хужжатлар йиғмажилларига тикиб қўйилади.

Ўқишига қабул қилинмаганларнинг синов ишлари б ой давомида сақланади, сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

25. Кириш синовлари (максус тест синовлари)ни қайта топшириш ман этилади.

Магистратурага мутахассислик бўйича максус фандан кириш синови учун белгиланган максимал баллнинг 55 фоизи ва ундан кам балл тўплаганлар, шунингдек, белгиланган муддатларда кириш синовларига келмаганлар навбатдаги кириш синовига киритилмайди ҳамда магистратурага қабул қилинмайди.

26. Олий таълим муассасасида белгиланган тартибда апелляция (норозилик) комиссиясининг иши ташкил этилади.

Абитуриент синов натижасидан норози бўлган тақдирда, синов натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида синов ишини апелляция қилиш ҳақидаги ариза билан олий таълим муассасаси қабул комиссияси раиси ёки апелляция (норозилик) комиссияси раисига мурожаат этиши мумкин. Апелляция ҳақидаги аризани кўриб чиқиш муддати икки кундан ошмаслиги лозим.

27. Магистратурага кўзи ожиз абитуриентларни қабул қилиш Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг **3-иловасига** мувофиқ амалга оширилади.

## **5-боб. Абитуриентни тўлов-контракт асосида қабул қилиш ва ўқиши учун тўлов тартиби**

28. Магистратурага тўлов-контракт асосида қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган қабул квоталари доирасида ягона қабул қоидалари асосида кириш синовларининг баллар рейтинги бўйича Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади.

Абитуриентларни тўлов-контракт асосида магистратурага тавсия этиш тўғрисида Давлат комиссиясининг қарори қабул қилингандан кейин олий таълим муассасаси билан юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида белгиланган тартибда контракт расмийлаштирилади.

Белгиланган намунадаги контракт бланкалари олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан синов натижалари эълон қилингандан кундан бошлаб берилади ва юридик шахслар учун раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланган ҳолда 3 нусхада, жисмоний шахслар учун 2 нусхада расмийлаштирилади.

Давлат комиссияси томонидан тўлов-контракт асосида ўқишига тавсия этилган абитуриентлар учун тўлов ҳар йили контракт шартларида қўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

Контракт шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари, уларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## **6-боб. Ўқишига қабул қилиш тартиби**

29. Давлат комиссиясининг олий таълим муассасалари магистратурасига қабул қилиш тўғрисидаги қарори 20 августдан кечикмай қабул қилинади ва у олий таълим муассасаларида 25 августга қадар абитуриентларни давлат грантлари бўйича талабалар сафига қабул қилиш ҳақидаги олий таълим муассасалари ректорларининг буйруқларини расмийлаштириш учун асос бўлади.

Давлат комиссиясининг олий таълим муассасалари магистратурасига қабул қилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилиш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ўқиши учун белгиланган маблағ миқдори 15 сентябрдан кечиктирилмай, белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг, олий таълим муассасасининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

## **8-боб. Якунловчи қоида**

31. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

31<sup>1</sup>. Олий таълим муассасаларининг магистратурасига ўқишига қабул қилиш бўйича қарорлардан норози бўлганлар тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ёки судга белгиланган тартибда мурожаат қилиш хукуқига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017  
йил 20 июндаги 393-сон  
қарорига  
3-ИЛОВА

## Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида

### НИЗОМ

#### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва олий таълим соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясига, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясига, ҳарбий олий таълим муассасаларига, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим муассасалари ҳамда уларнинг филиалларига татбиқ этилмайди.

2<sup>1</sup>. Хорижий фуқароларнинг ўқишини хорижий олий таълим муассасаларидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчириш (тиклаш) сухбат асосида амалга оширилади. Уларнинг тўлов-контракт маблағлари миқдори қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

3. Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ҳамда бу борадаги комиссиялар фаолиятининг шаффоғлигини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва тасаруғифа олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда олий таълим муассасаларнинг сайтларида алоҳида маълумотлар базаси ташкил этилади.

Маълумотлар базаси мазкур Низом, худудий ишчи гурухлар ташкил этиладиган олий таълим муассасалари рўйхати ва уларга топшириладиган ҳужжатлар намуналари, хорижий олий таълим муассасаларидан ўқишини кўчирмоқчи бўлганлар учун синовларни ўтказиш муддатлари, манзили акс эттирилган жадвалдан ташкил топади.

#### 2-боб. Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш ва қайта тиклашнинг умумий қоидалари

4. Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш ва қайта тиклашда (кейинги ўринларда талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш деб аталади) таълим йўналишларининг (мутахассисликларининг) номланиши бир хил бўлганда бундай таълим йўналишлари (мутахассисликлари) мос деб хисобланади.

Олий таълимнинг турдош таълим йўналишлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

5. Талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш:

олиий таълим муассасалари;

тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар;

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) қарорлари асосида амалга оширилади.

6. Бир олий таълим муассасаси доирасида олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш шу олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи асосида амалга оширилади.

7. Кўйидаги ҳолларда талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш талабани қабул қилаётган олий таълим муассасаси бўйсунадиган вазирлик (идора) қарори асосида амалга оширилади:

олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича бир вазирлик (идора) доирасида бошқа олий таълим муассасасига;

олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича турли вазирлик (идора) доирасида бир олий таълим муассасасидан бошқа олий таълим муассасасига.

8. Кўйидаги ҳолларда талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш Давлат комиссияси қарори билан амалга оширилади:

хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга бўлган олий таълим муассасаларидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига;

бир олий таълим муассасаси доирасида ёки бир вазирлик ёки идора ёхуд турли вазирликлар ва идоралар тизимидағи олий таълим муассасаларига олий таълимнинг турдош бўлмаган таълим йўналишларига ва истисно тариқасида мос бўлмаган мутахассисликларига.

9. Кўйидаги ҳолатлар фуқаронинг ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш ҳакидаги аризасига рад жавоби берилишига асос бўлади:

хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга бўлмаган олий таълим муассасаларидан ёки уларнинг филиалларида ўқиганларга;

республика олий таълим муассасаларидаги мавжуд таълим шаклидан ўзга (бошқа) таълим шаклида ўқиганларга;

олий таълим муассасаларининг марказлари, бўлимлари, ўкув-маслаҳат пунктлари ва бошқаларда ўқиганларга;

биринчи курснинг биринчи семестрига биринчи семестр тугалланмаган ҳолатда ўқишини кўчиришга (талабага касаллик туфайли академик таътил берилган ҳолатлар, ўқиган таълим йўналиши мавжуд бўлмаганда кўчириб тиклаш ҳолатлари бундан мустасно);

олий таълим муассасасида мос (турдош) таълим йўналиши (мутахассислиги) ёки таълим шакли мавжуд бўлмаса;

намунавий ўкув режаларидағи умумкасбий ва ихтисослик (мутахассислик) фанлари бўйича фарқлар 4 тадан ошганда;

тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилганлар тўловни белгиланган муддатда амалга оширгандан;

талабанинг шахсий йиғма жилди (академик маълумотнома) белгиланган муддатларда тақдим этилмагандан;

олий таълим муассасасига давлат гранти асосида кўчириш ва қайта тиклаш давлат гранти асосида таълим олувчилар сони (қабул квоталари) доирасида бўш ўринлар мавжуд бўлмаса;

олий таълим муассасаси моддий-техника базасининг имконияти чекланганда;

мақсадли қабул қилинганлар бошқа таълим йўналиши ёки таълим шаклига, бошқа олий таълим муассасасига;

кечки (сменали) таълимдан сиртқи (махсус сиртқи) таълимга ҳамда кечки (сменали) таълимнинг бир таълим соҳасидан иккинчи таълим соҳасига;

сиртқи (махсус сиртқи) таълимдан кундузги таълимга ҳамда сиртқи (махсус сиртқи) таълимнинг бир таълим соҳасидан иккинчи таълим соҳасига;

бир таълим шаклидан маҳсус сиртқи таълим шаклига ҳамда маҳсус сиртқи таълим шаклидан бошқа таълим шаклига;

талаба Ўзбекистон ва хорижий олий таълим муассасаларининг ўзаро келишуви асосида қабул қилиниб кўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олган ёки таҳсил олаётган бўлса (мазкур кўшма дастурнинг ўзи бундан мустасно);

қонун хужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда.

Фуқаронинг ўқишини кўчириш (қайта тиклаш) бўйича аризасига рад жавоби берилган тақдирда, аризани кўриб чиқиш учун белгиланган муддатда, аризада кўрсатилган

манзилга, аризани кўриб чиқсан комиссия ёки комиссия ваколат берган ташкилот томонидан жавоб хати йўлланади.

10. Талабаларнинг ўқишини кўчириш ва қайта тиклашни расмийлаштиришда олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) белгиланган тартибда ўқув режалари ва дастурлардаги мавжуд академик қарзларни ёки фарқларни (намунавий ўқув режаларида умумкасбий ва ихтисослик (мутахассислик) фанлари бўйича фарқлар 4 тадан ошмаслиги лозим) топшириш тартиби ва муддатларини (жорий семестр давомида), ўқитиш курси (семестри) хамда ўқишига қабул қилишнинг қонун хужжатларида белгиланган бошқа шартларини белгилайди.

11. Тошкент давлат юридик университетида таҳсил олаётган талабалар иккинчи курсдан бошлаб ўқишининг бир ўқув йилигача бўлган муддатни хорижий олий таълим муассасасининг юриспруденция йўналишида ўқиши хукукига эга. Талабанинг хорижий олий таълим муассасасида ўқиган даври ва ўзлаштирган фанлари хорижий олий таълим муассасаси маълумотномаси асосида университет Кенгаши томонидан университет ўқув режаси ва дастурларининг тегишли қисмларини ўзлаштирганлиги сифатида қабул қилиниши ва талабага ўқишини тегишли ўқув семестридан давом эттириш хукуки берилиши мумкин.

12. Тўлов-контракт асосида талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклашда тўлов-контрактни тузиш тартиби ва шартлари, жумладан, тўлов маблағлари ва муддатлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

13. Давлат олий таълим муассасаларида ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш жараёни бепул амалга оширилади.

14. Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклашни амалга ошириш тартиби мазкур Низомга иловага мувофиқ **схема** бўйича амалга оширилади.

### **3-боб. Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш**

15. Олий таълим муассасалари талабаларининг ўқишини кўчириш (кейинги ўринларда Талабалар ўқишини кўчириш деб аталади) бўйича аризаларни топшириш ва кўриб чиқиш қўйидагича амалга оширилади:

ўқишини кўчириш бўйича аризаларни тақдим этиш — ҳар йили 15 июлдан 5 августга қадар амалга оширилади;

аризаларни олий таълим муассасаси, тегишли вазирлик (идора) ёки Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқиб, қарор қабул қилиш — ҳар йили 5 августдан 30 августга қадар амалга оширилади.

Талабалар ўқишини кўчириш узрли сабабларга кўра (республиканинг бир ҳудудидан иккинчи ҳудудига доимий яшаш учун ёки турмушга чиқиш муносабати билан турмуш ўртоғи доимий яшайдиган (паспорт бўйича доимий рўйхатдан ўтган) ҳудудга кўчиб ўтганда, турмуш ўртоғи ёки ота-онаси ҳарбий хизмат ўташ жойини ўзгартирганда, ёхуд ота-онаси (турмуш ўртоғи) хориждаги давлат хизматидан қайтганда) баҳорги семестрда ўқув машғулотлари бошланишидан олдин ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда:

ўқишини кўчириш бўйича ариза топшириш — ҳар йили 20 декабрдан кейинги йилнинг 20 январига қадар;

ўқишини кўчириш бўйича аризани кўриб чиқиб, қарор қабул қилиш — ҳар йили 25 январдан 15 февралга қадар амалга оширилади.

16. Талабаларнинг ўқишини кўчириш ҳақидаги аризалари мос равища:

ушбу Низомнинг **6-бандида** кўрсатилган ҳолатлар юзасидан — олий таълим муассасасининг қабул комиссиясига топширилади;

ушбу Низомнинг **7** ва **8-банларида** кўрсатилган ҳолатлар юзасидан — Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этиладиган Худудий ишчи гурухларга топширилади.

Худудий ишчи гурухлар қабул қилинган хужжатларни умумлаштириб, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тақдим этади.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги талабалар ўқишини кўчириш ҳақидаги аризаларни мазкур Низомда белгиланган ваколатлар доирасида шакллантириб **Давлат комиссиясига** ва вазирликлар (идоралар)га қарор қабул қилиш учун йўллайди.

17. Ўқишини кўчириш истагини билдирган фуқаро қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

кўчириш (қайта тиклаш)ни истаган таълим йўналиши (мутахассислиги), ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза (аризада ўқиган олий таълим муассасаси ва таълим йўналиши (мутахассислиги), таълим шакли, мақсадли қабул бўйича ўқишга кирмаганлиги, кўчириш (қайта тиклаш) сабаблари, кўчириш (қайта тиклаш) қоидалари билан танишганлиги кўрсатилади;

талабанинг рейтинг дафтарчаси ёки белгиланган шаклдаги академик маълумотнома нусхалари;

паспортнинг нусхаси.

18. Талабалар ўқишини кўчириш хақидаги аризани кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

ушбу Низомнинг **6-бандида** кўрсатилган ҳолатлар бўйича ариза кўриб чиқилиб, олий таълим муассасаси ректорининг тегишли қарори қабул қилинади ва бу ҳақда ариза берган шахсга шахсан маълум қилинади;

ушбу Низомнинг **7-бандида** кўрсатилган ҳолатлар бўйича аризалар тегишли вазирлик (идора) томонидан кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинади ва бу ҳақда ариза берган шахсга маълум қилинади;

Низомнинг **8-бандида** кўрсатилган ҳолатлар бўйича аризалар кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилган тақдирда, тегишли вазирлик (идора) олий таълим муассасасига белгиланган шаклда хат йўллайди.

Низомнинг **9-бандида** кўрсатилган ҳолатлар бўйича аризалар кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилган тақдирда, **Давлат комиссияси** олий таълим муассасасига белгиланган шаклда хат йўллайди.

19. Тегишли вазирлик (идора) ёки **Давлат комиссиясининг** хати асосида олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ўқиши кўчирилаётган талаба дарсларга қўйилади ҳамда ушбу олий таълим муассасаси томонидан талаба илгари таълим олган олий таълим муассасасига унинг шахсий йиғма жилдини жўнатиши учун сўровнома юборилади.

20. Сўровнома олингандан сўнг, талаба илгари таълим олган олий таълим муассасаси ректорининг талabalар сафидан четлаштириш ҳақида буйруғи асосида уч кун муддатда талабанинг шахсий йиғма жилди (рўйхати билан) уни ўқишга қабул қилган олий таълим муассасасига жўнатилади ёки ариза билан ўқиши кўчирилган талабага берилади.

Шахсий йиғма жилд жўнатилиши мумкин бўлмаган ҳолларда (ёпиқ йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш) олий таълим муассасаси ректори томонидан имзолangan ва гербли муҳр билан тасдиқланган академик маълумотнома талабани ўқишга қабул қилган олий таълим муассасасига жўнатилади.

Ўқиши кўчирилишига рухсат этилган талабанинг мақсадли қабул асосида ўқиётганлиги ўқиб турган олий таълим муассасаси томонидан текширилади ва ҳақиқатда мақсадли қабул асосида ўқиётганлиги аниқланган тақдирда сўровнома юборган олий таълим муассасасига ҳамда талабага мазкур талабанинг ўқиши кўчирилиши мумкин эмаслиги тўғрисида уч кун муддатда тегишли хат йўлланади.

21. Талаба илгари таълим олган олий таълим муассасасида унинг академик маълумотномаси, рейтинг дафтарчаси, ўқув карточкаси, шунингдек жўнатилаётган ҳужжатлар рўйхатининг нусхаси қолдирилади.

22. Ўқишининг барча шакллари бўйича олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари ҳамда мос мутахассисликлари бўйича давлат грантлари ўринларига кўчиришга фақат давлат грантлари асосида таҳсил олган талabalар аризасига қўра олий таълим муассасаларида тегишли ўкув йилидаги қабул қилиш квоталарида белгиланган давлат грантларининг сони доирасида рухсат этилади.

Кўзи ожизлар тоифасига киравчи сифатида ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга ажратилган квота доирасида давлат гранти асосида таҳсил олаётган талabalар ўқишини олий таълимнинг мос ва турдош таълим йўналишлари ҳамда мос мутахассисликларига давлат гранти асосида кўчирилишига рухсат этилади.

Бошқа ҳолларда, шунингдек, хорижий олий таълим муассасаларидан ўқишини кўчириш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

23. Хорижий олий таълим муассасаларидан ўқишини Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчириш ва кўчириб қайта тиклаш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тизимида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идораларда ташкил қилинган комиссияларда ўқиши кўчирилаётган олий таълим муассасаларининг муайян таълим йўналишидаги ўқишига кириш фанлари бўйича ўқийдиган тилида маҳсус синов (комиссия томонидан белгиланган тест ёки ёзма иш ёки қасбий (ижодий) имтиҳон шаклида) топширади.

Турмуш ўртоғи ёки ота-онаси хорижий давлатдаги давлат хизматини ўташ жойи Ташки ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасига ўтказилган, Ҳукумат қарорлари ва топшириклари ҳамда олий таълим муассасаларига эга вазирлик ва идоралар томонидан давлат буюртмаси билан хорижга ўқишига юборилганларнинг ўқишини Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчириш маҳсус синовларсиз Давлат комиссияси қарорига асосан амалга оширилади.

Фуқаронинг маҳсус синов (комиссия томонидан белгиланган тест ёки ёзма иш ёки қасбий (ижодий) имтиҳон шаклида) натижаси Давлат комиссиясига тақдим этилади. Маҳсус синов (комиссия томонидан белгиланган тест ёки ёзма иш шаклида) натижасидан келиб чиқиб, фуқаро Давлат комиссияси қарори билан кўрсатилган ўқув шаклидаги гурухларга тўлов-контракт асосида кўчирилади.

Кўчирилаётган олий таълим муассасасида тегишли ўқитиш тили мавжуд бўлмаса, ўқитиш тилини танлаш фуқаронинг аризасига мувофиқ амалга оширилади.

23<sup>1</sup>. Халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингида биринчи 1000 талик рўйхатдан жой олган Россия Федерацияси олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабаларнинг аризаларига мувофиқ уларнинг ўқиши Давлат комиссияси қарори билан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига синовлар (тест, ёзма иш)сиз тўлов-контракт асосида кўчирилади.

Халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингида биринчи 1000 талик рўйхатдан жой олган Россия Федерацияси давлат олий таълим муассасалари рўйхати ҳар йили Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

23<sup>2</sup>. Хорижий олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида таҳсил олаётган талабалар ўқишини Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчирилишига рухсат этилмайди.

24. Олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг талабани белгиланган тартиб ва муддатда дарсларга қатнашишига рухсат этиш тўғрисидаги буйруғи талаба илгари таълим олган олий таълим муассасасидан унинг шахсий йиғма жилди (шахсий йиғма жилд жўнатилиши мумкин бўлмаган ҳолларда — академик маълумотномаси) олингандан кейин расмийлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида ўқиши кўчирилганларни талабалар сафига ўқишига қабул қилиш тўғрисидаги олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруғи улар томонидан белгиланган муддатда шартнома тўловлари бажарилгандан сўнг 10 кун муддатда қабул қилинади.

25. Ўқув режалардаги фанлари бўйича фарқлар аниқланганда талаба академик қарздор сифатида ўқишига қабул қилинади.

Жорий семестр давомида академик қарздорлик (фарқлар) бартараф этилган муддатдан бошлаб, олий таълим муассасаси ректорининг талабага ўрнатилган тартибда стипендия бериш ҳақидаги буйруғи чиқарилади. Стипендия микдорини белгилашда фанлар бўйича фарқларни топшириш кўрсаткичлари ҳам ҳисобга олинади.

26. Олий таълим муассасасида юридик шахс билан тузилган тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабалар ўқишини кўчириш ушбу юридик шахснинг розилиги билан амалга оширилади.

#### **4-боб. Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини қайта тиклаш**

27. Олий таълим муассасалари талабаларининг ўқишини қайта тиклаш (кейинги ўринларда Талабалар ўқишини қайта тиклаш деб аталади) бўйича аризаларни топшириш ва кўриб чиқиш бир йилда икки марта амалга оширилади:

ўқишини кузги семестрга қайта тиклаш бўйича ариза топшириш — ҳар йили 15 июлдан 5 августга қадар;

ўқишини баҳорги семестрга қайта тиклаш бўйича ариза топшириш — ҳар йили 15 январдан 25 январга қадар давом этади.

Қайта тиклаш бўйича аризаларни олий таълим муассасаси, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик (идора) томонидан кўриб чиқиб қарор қабул қилиш:

кузги семестрга қайта тиклаш учун — ҳар йили 5 августдан 30 августга қадар;

баҳорги семестрга қайта тиклаш учун — ҳар йили 25 январдан 15 февралга қадар амалга оширилади.

28. Талабалар сафидан четлаштирилган фуқаролар ўқишини бошқа олий таълим муассасасига мос (турдош) таълим йўналиши (мутахассислиги)га кўчириб тиклаш тўғрисида ариза бериш хуқуқига эга. Бунда аризага ўқишини кўчириш тартибдаги хужжатлар тақдим этилади.

29. Талабалар ўқишини қайта тиклаш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш қуидаги тартибда амалга оширилади:

ушбу Низомнинг **6-бандида** кўрсатилган ҳолатлар бўйича ариза кўриб чиқилиб, олий таълим муассасаси ректорининг тегишли қарори қабул қилинади ва бу ҳақда ариза берган шахсга шахсан маълум қилинади;

ушбу Низомнинг **7-бандида** кўрсатилган ҳолатлар бўйича аризалар тегишли вазирлик ёки идора томонидан кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинади ва бу ҳақда ариза берган шахсга маълум қилинади;

ушбу Низомнинг **8-бандида** кўрсатилган ҳолатлар бўйича аризалар **Давлат комиссияси** томонидан кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади.

30. Барча ўқув шакллари бўйича талабалар сафига қайта тиклаш тўлов-контракт асосида мазкур Низом талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Давлат грантлари бўйича таълим олган етимлар, I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган (захирага бўшаган кунларидан бошлаб уч йил мобайнода), академик таътилдан белгиланган муддатда қайтган шахслар, Хукумат қарорлари ва топшириклари ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар томонидан давлат буюртмаси билан хорижга ўқишига юборилган ва белгиланган муддатда қайтган талабалар истисно тариқасида ўқишига (муайян курсга) давлат грантлари ўринларига қайта тикланиши мумкин.

30<sup>1</sup>. Республика олий таълим муассасаларининг талабаси бўлган ҳамда хукуматлараро ёки идоралараро ёки олий таълим муассасалариаро келишув доирасида хорижий олий таълим муассасасида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасасида таҳсил олган таълим йўналишига мос бўлган йўналиш бўйича, бир ёки бир неча семестр ўқиб (Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаси билан келишув асосида) белгиланган муддатда қайтган талабаларнинг хорижий олий таълим муассасасида таълим олган муддатларини (семестр) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасасида инобатга олган ҳолда (муайян таълим йўналиши ва таълим шаклида, жумладан, давлат гранти асосида таҳсил олган талабалар — давлат гранти асосида) ўқишини давом этиришига рухсат этилади.

Бунда муайян таълим йўналишлари бўйича намунавий ўқув режаларидағи умумкасбий ва ихтисослик (мутахассислик) фанлари бўйича фарқларни тегишли ўқув семестри давомида қайта ўзлаштиришга рухсат этилади.

Белгиланган муддатдан кеч қайтган талабалар ўқишининг тикланиши умумий тартибда кўриб чиқилади.

31. Олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг талабани талабалар сафига қайта тиклашга, белгиланган тартиб ва муддатларда дарсларга қатнашишига рухсат этиш тўғрисидаги буйруғи (кўчириб тиклашда талаба илгари таълим олган олий таълим муассасасидан унинг шахсий йиғма жилди (шахсий йиғма жилд жўнатилиши мумкин бўлмаган ҳолларда — академик маълумотномаси) олингандан кейин) расмийлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида ўқиши тикланганларни талабалар сафига ўқишга қабул килиш тўғрисидаги олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруғи улар томонидан белгиланган муддатда шартнома тўловлари бажарилгандан сўнг 10 кун муддатда қабул қилинади.

32. Ўқув режалардаги фанлари бўйича фарқлар аниқланганда талаба академик қарздор сифатида ўқишга қабул қилинади.

Жорий семестр давомида академик қарздорлик (фарқлар) бартараф этилган муддатдан бошлаб, олий таълим муассасаси ректорининг талабага ўрнатилган тартибда стипендия бериш ҳақидаги буйруғи чиқарилади. Стипендия микдорини белгилашда фанлар бўйича фарқларни топшириш кўрсаткичлари ҳам хисобга олинади.

33. Ўқишидан четлаштирилган (курсдан қолдирилган) ўқув йилида курсига талабани ўқишига қайта тиклашга (кўчириб тиклашга) йўл қўйилмайди.

34. Талабани бошқа олий таълим муассасасига ўқишини кўчириб қайта тиклашда унинг илгари таълим олган олий таълим муассасаси розилиги талаб этилмайди.

35. Ўқишидан четлатилганлигига 5 йилдан 10 йилгача муддат (ҳарбий хизматда бўлганлик, уч ёшгача бўлган болаларни парвариш қилиш билан боғлиқ меҳнат таътили ҳамда соғлиқни қайта тиклаш вақтлари ушбу муддатга кирмайди) бўлган ҳолларда талабалар ўқишини қайта тиклаш олий таълим муассасаси бўйсунувидаги вазирлик ва идоралар рухсати билан амалга оширилади.

## 5-боб. Олий таълим муассасалари талабаларини ўқишидан четлаштириш

36. Талаба олий таълим муассасасидан қўйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

- а) ўз хоҳишига биноан;
- б) ўқишининг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);
- г) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидалари ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун;
- д) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдиранлиги сабабли;
- е) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- ж) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- з) суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда (ушбу ҳолатда талабалар сафидан четлаштирилганлар талабалар сафига қайта тикланмайди);
- и) вафот этганлиги сабабли.

Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

37. Белгиланган муддатларда фанларни ўзлаштира олмаган (академик қарздор бўлган) талаба олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан курсдан қолдирилади.

Академик қарздорлиги туфайли курсдан қолдирилган талаба тўлов-контракт асосида ўқишини куйи курснинг тегишли ўқув семестри бошидан бошлиши мумкин.

Талабалар ўқув юкламаси хажмини аниқлашнинг шартли бирлеклари (кредитлар)ни ўтказиш ва жамлаш тизими жорий этилган олий таълим муассасаларида академик қарздорлиги туфайли курсдан қолдирилган талабалар қуйи курсдаги тегишли ўқув семестридан бошлаб фақат ўзлаштира олмаган фанларини (модулларни) такроран ўқиши мумкин.

Курсадан қолдирилган талаба ушбу Низомнинг 36-бандиндаги ҳолатлар бўйича талабалар сафидан четлаштирилиши мумкин»;

х) Низомга илова қўйидаги таҳхирда баён этилсин:

38. Олий таълим муассасаси маъмурияти ташабbusи билан ушбу Низомнинг 36-банди «е» кичик бандига кўра талабаларни ўқишидан четлаштириш талабалар касаба уюшмасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур Низомнинг 36-банди «г»

**кичик бандига** кўра четлаштирилаётган ҳолда, таълим муассасасининг Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти билан ҳам келишилиши мумкин.

39. Талаба олий таълим муассасасидан четлаштирилганда, унга (ота-онаси ёки ҳукукий васийсига уларнинг аризаси билан) шахсий ҳужжатлари, белгиланган шаклдаги академик маълумотнома топширилади ва уларнинг нусхаси шахсий йигма жилдга тикиб қўйилади.

## **6-боб. Якунловчи қоидалар**

40. Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш жараёнида шахсий йигма жилддаги ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ёки тақдим этилган ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилганлиги ёхуд ҳужжатлар ўрнатилган тартибда тасдиқланмаганлиги аниқланган ҳолларда олий таълим муассасаси ректори мазкур ҳужжатларни текшириш ва буйруқ чиқармаслик ҳукуқига эга.

41. Олий таълим муассасасига ўқишини кўчирган ёки қайта тиклаган талабаларнинг шахсий йигма жилдига тегишли буйруқдан кўчирма, ариза ва академик маълумотнома тикиб қўйилади.

42. Олий таълим муассасалари ҳар йили Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига зарур миқдордаги академик маълумотнома бланкаларига буюртмалар берадилар.

Академик маълумотнома бланкларининг қатъий ҳисоби юритилади.

Академик маълумотнома бланкаларининг олий таълим муассасаларида сақланиши, рўйхатга олиниши ва берилиши белгиланган тартибда амалга оширилади.

43. Талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тўғрисидаги тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши ва уларнинг қонунийлиги учун жавобгарлик олий таълим муассасаларига юкланди.

Зарурат бўлганда ректор ҳужжатларни юборган олий таълим муассасаларидан расмий хат билан маълумотлар тўғрилигини тасдиқлашни сўраши мумкин.

44. Олий таълим муассасаларига талабалар ўқишини кўчириш ва тиклашига асос бўлган барча ҳужжатлар ваколат доираси бўйича Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига, тасаруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, шунингдек олий таълим муассасаларида З йил давомида сақланиши лозим.

45. Талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тўғрисидаги қарорлардан норози бўлганлар белгиланган тартибда, тасаруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ёки судга мурожаат қилиш ҳукуқига эга.

46. Мазкур Низом талблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Олий таълим муассасалари  
талабалари ўқишини кўчириш,  
қайта тиклаш ва ўқишдан  
четлаштириш тартиби  
тўғрисида **НИЗОМГА**  
**ИЛОВА**

**Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш ва қайта тиклашни амалга  
ошириш**

**ТАРТИБИ**

The linked image cannot be displayed. The file may have been moved, renamed, or deleted. Verify that the link points to the correct file and location.

Изоҳ: Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш ва қайта тиклашни амалга ошириш муддатларига Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.